Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 32 (8272).

13 февраль душанба 1984 йил

Баҳоси 3 тийин.

ШУ ҚАЙҒУЛИ КУНЛАРДА КОММУНИСТЛАР, БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИ ЎЗ САФЛАРИНИ ПАРТИЯ ЛЕНИНЧИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ БЮРОСИ ТЕВАРАГИДА ЯНАДА МАҲКАМРОҚ ЖИПСЛАШТИРАДИЛАР. СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИ ЎЗЛАРИНИНГ СИНАЛГАН, КОЛЛЕКТИВ ЙЎЛБОШЧИСИ ДЕБ БИЛИБ, УНИНГ ХАЛҚ ТУБ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЕСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН АСТОЙДИЛ КУРАШИШГА АЗМУ ҚАРОР БЕРГАНЛАР. ПАРТИЯНИНГ ЛЕНИНЧИ ЙЎЛИ ЎЗГАРМАСДИР. ПАРТИЯ КПСС XXVI СЪЕЗДИ, УНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КЕЙИНГИ ПЛЕНУМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚҚАН АНИҚ ВА РАВШАН ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ БИЛАН ҚУРОЛЛАНГАН.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатидан.

# Юрий Владимирович АНДРОПОВ

## Москва Ю. В. АНДРОПОВ билан видолашмоқда

Москва чуқур мотамда. Майдонларда ва кўчаларда мотам лентали қизил байроқлар қуйи эгилган. Москваликлар Юрий Владимирович Андропов билан видолашмоқдалар.

12 февраль куни эрта тонгдан пойтахтнинг ҳамма районларидан чиққан кишиларнинг кети узилмас колонналари марҳумнинг жасади солинган тобут қўйилган Союзлар уйининг колонна залига кела бошлади.

Завод ва фабрикаларнинг ишчи ва хизматчилари, муассасалар ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари, фан ва маданият арбоблари, ҳарбий хизматчилар, дала ва фермаларнинг меҳнатчилари, ўқувчи ёшлар чуқур қайғу билан ўтмоқдалар. Улар партия билан халқнинг бирлигини янада мустаҳкамлашга, ривожланган социализм жамиятини такомиллаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга, ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган инсонга чуқур ҳурмат бажо этадилар.

Шу куни Красная Пресня районининг меҳнаткашлари колонна залидан биринчи бўлиб ўтадилар. Бу район ўзининг революцион ва меҳнат анъаналари билан шуҳрат қозонган. Красная Пресня Ленин типидаги раҳбар, оташин ватанпарвар, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи инсон хотирасини эъзозлайди.

— Қайғу — аламимизни ифодалаш учун сўз топиш қийин, — дейди «Трехгорная мануфактура» комбинатининг ремонтчи слесари Г. П. Козлов. — Юрий Владимирович Андроповнинг ҳаёти — партия ва халқ манфаатларига, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш намунасидир. Партиянинг иродаси билан Ю. В. Андропов меҳнат қилган ҳамма лавозимларда у ўзининг бутун кучи, билимини, жуда катта ҳаётий тажрибасини партия сиёсатини амалга оширишга, Ленин ғояларининг тантанаси учун курашга бағишлади. Биз КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Бу ҳужжатда бизнинг фикри-зикримиз ва орзу-умидларимиз ифодаланган. Партия билан халқнинг бирлиги куч-қудратимизнинг манбаи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

...Тобут қўйилган супача ёнида, колонна залининг деворлари остида, Союзлар уйининг фойесида юзлаб гулчамбарлар турибди. Улар орасида Ставрополь ўлкаси, шимолий Осетия АССР, Карелия АССР, Ярославль области коммунистлари ва меҳнаткашлари номидан келтирилган гулчамбарлар бор. Юрий Владимирович Андроповнинг илк ҳаёт йўли шу жойлар билан боғлиқ бўлганлиги учун бу жойлардаги коммунистлар билан меҳнаткашлар уни яхши биладилар.

Одамлар оқимининг кети кўринмайди. Колонна залига турли авлод ва тақдир кишилари, ҳар хил касб намояндалари бирин-кетин кириб келадилар. Юрий Владимирович Андроповнинг хотираси уларнинг ҳар бири учун азиздир.

— Ю. В. Андропов ўзининг бутун умрини совет халқига, улуғ коммунизм ишига тўла-тўкис бағишлади, — дейди Лихачев номидаги заводнинг цех бошлиғи Н. И. Биков. — Барча совет кишилари каби москваликлар ҳам партиянинг КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга оширишга қаратилган қатъий йўлини Юрий Владимировичнинг тинимсиз фаолияти билан боғлиқ деб биладилар. У халқ манфаатларини жуда яхши билар ва тушунар эди. Бизнинг севикли ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатимиз Ю. В. Андропов хотирасини энг яхши тарзда эслаш бўлади.

Ю. В. Андропов совет фанини ривожлантиришга доимо эътибор бериб келди, — деди СССР Давлат стандарти Бутуниттифоқ стандартлаштириш илмий-тадқиқот институтининг ходими, биология фанлари кандидати В. С. Лекарев. — У партия билан Совет давлатининг етук социализмни такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлини ишлаб чиқишда буюк роль ўйнади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони композитор Т. Н. Хренников ўз фикрларини ўртоқлашади.

— Энди, Юрий Владимирович орамиздан кетган бир пайтда, — деди у, — у қисқа вақт ичида мамлакат учун, халқ учун нақадар кўп иш қилишга улгурганини айниқса равшан ҳис этасан киши. Интизомни мустаҳкамлаш йўли меҳнаткашларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари тўғрисидаги ғамхўрлик билан бирга қўшиб олиб борилди. Биз, санъат арбоблари Юрий Владимировичнинг бизга, бизнинг ишимизга катта эътибор берганини ҳамиша сезиб турдик. Бизнинг вазифамиз бундан — буён ҳам коммунизм бинокори бўлмиш совет кишисини мадҳ этувчи асарлар яратишдан иборат.

...Мотам куйлари таралади. Фахрий қоровул ҳар уч минутда алмашиниб туради. СССР Олий Советининг депутатлари, иттифоқдош республикалар Олий Советларининг депутатлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари, космонавтлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари тобут ёнида захтада турадилар.

Ю. В. Андропов КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсатининг изчил тинчликсевар йўлини рўёбга чиқаришга кўп куч сарфлади.

— Тинчлик — улуғвор режаларимизни бажариш учун энг асосий шартдир,— дейди геолог Г. М. Хабалов. — Юрий Владимирович Андропов ўз баёнотларида ва бошқа чиқишларида партиянинг ялпи тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим амалий ташаббусларини баён этди ва шу ташаббусларни актив ҳимоя қилди.

Москва области дала ва фермаларининг меҳнатчилари залга кириб келадилар. Улар орасида механизаторлар, сут соғувчилар, чорвадорлар, деҳқонлар — СССРнинг Озиқ-овқат программасини бевосита амалга ошираётган кишилар бор. Ю. В. Андропов шу программани рўёбга чиқариш учун кўп иш қилди.

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари мотамона сукут сақлаб ўтадилар. Колонналарда солдатлар, учувчилар, денгизчилар, билим юртларининг курсантлари, академияларнинг тингловчилари ва муаллимлари бор.

— Ю. В. Андропов СССР Мудофаа кенгашига бошчилик қилар экан, — дейди М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академиянинг катта муаллими полковник Е. П. Миленин, — СССР Қуролли Кучларини ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилди. Биз ваъда бериб айтамизки, совет жангчилари Ватанимизнинг мудофаа қудратини ҳамиша лозим бўлган даражада сақлаб турадилар.

Москва ва бутун русь патриархи Пимен ва рус православие черкови олий руҳонийларининг бошқа намояндалари Ю. В. Андроповнинг порлоқ хотирасига ҳурмат бажо этдилар.

Партия Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, оммавий ахборот воситаларининг редакцияларига шу кунларда келаётган кўпдан-кўп телеграмма ва хатларда совет кишилари чуқур қайғу изҳор этиш билан бирга Ватанимиз ютуқларини фидокорона меҳнат билан кўпайтиришларини билдирмоқдалар.

«Мамлакатимиз улуғ фарзандининг ҳаёти ва фаолияти мен, ишлаб чиқариш илғори учун партия, халқ ишига садоқат билан хизмат қилиш намунаси бўлди, — деб ёзади Магадан областидан Октябрь революцияси ордени кавалери Надежда Еттнеут, — барча совет кишилари каби мен ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун куч-қувватимни аямайман, бутун билимим ва тажрибамни партия билан ҳукуматнинг қарорларини турмушга татбиқ этиш учун, планлар ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун сарфлайман».

Одессалик Даниленколар оиласи шундай телеграмма йўллаган: «Улуғ ленинчи Юрий Владимирович Андроповнинг вафот этганини эшитиб бутун оиламиз астойдил қайғурди. Барча совет халқи каби биз ҳам бутун ер юзида тинчлик учун курашган инсоннинг порлоқ сиймосини дилимизда сақлаймиз».

...Москванинг меҳнат аҳли Юрий Владимирович Андропов билан ярим тунгача видолашди. Коммунистик партия, давлатимиз, ҳар бир совет кишиси мотам тутмоқда. Шу қайғули кунларда Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Коммунистик партия билан совет халқининг бузилмас бирлиги — жамиятимиз кучи ва қудратининг манбаидир.

(ТАСС).

## СОВЕТ КИШИЛАРИ МОТАМДА

Ленин партияси билан Совет давлатининг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андроповнинг вафоти ҳар бир совет кишисининг қалбини қайғуга солди.

Партия билан халқнинг бирлиги янада мустаҳкамланганлиги, ривожланган социализм жамияти такомиллаштирилганлиги, халқ фаровонлиги ошганлиги, ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудрати мустаҳкамланганлиги, ленинча тинчликсевар ташқи сиёсат турмушга татбиқ этиб келинаётганлиги Ю. В. Андроповнинг номи билан боғланган.

Шу мусибатли кунларда коммунистлар, барча совет кишилари ўз сафларини Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар. Бутун мамлакатда бўлиб ўтаётган мотам митингларининг қатнашчилари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун ҳамма ишни қилишга азму қарор берганликларини изҳор қилмоқдалар.

Совет кишиларининг қайғуси нақадар чуқур бўлмасин, уларнинг Ленин партияси бошчилик қилаётган коммунистик қурилиш барча режалари албатта бажарилишига ишончи ҳам буюкдир.

Юрий Владимирович Андроповнинг порлоқ хотираси олдида бош эгаётган совет кишилари коммунистик қурилишдаги муваффақиятларни кўпайтиришга қаттиқ бел боғлаганликларини билдирмоқдалар, деб таъкидлашди Москвадаги иккинчи давлат подшипник заводида бўлиб ўтган мотам митингининг қатнашчилари.

Катта мастер, цех партия бюросининг секретари А. Птицин партия ишига, мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришга Ю. В. Андропов жуда катта ҳисса қўшганлиги ҳақида гапириб бундай деди:

— Юрий Владимировичнинг партиявий принципиаллиги, ишчанлиги, талабчанлиги, унинг чуқур ғоявийлиги, марксча-ленинча идеалларга содиқлиги ҳаммамизга яхши маълум. Ю. В. Андропов ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини энг муҳим давлат ва халқаро проблемаларни ҳал этишга сарфлади. Унинг ишлаб чиқаришни интенсивлаш, хўжалик фаолиятини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисидаги йўл-йўриқлари мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар учун ўн биринчи беш йилликдаги ҳаракат программаси бўлиб қолди. Корхона коллективи партия ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиш учун куч-ғайратини аямайди.

Москва шина заводининг йиғув цехи. Бу ердаги мотам митингига корхона турли бўлинмаларининг намояндалари келдилар.

—Севикли Ватаннинг бахт-саодати учун, бутун дунёда тинчлик иши учун шу қадар кўп иш қилган инсондан жудолик мусибатини сўз билан ифодалаш қийин, — дейди йиғув цехининг ишчиси Г. Я. Игонина. — Совет халқининг мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашдаги, ички партиявий демократиянинг ленинча принципларини янада ривожлантиришдаги муваффақиятлари Юрий Владимирович Андроповнинг номи билан боғланган.

Биз шиначилар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан ўз сафларимизни Ленин партияси теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирамиз, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бутун кучимизни сарфлаймиз.

Ишчидан ҳозирги замоннинг атоқли партия ва давлат арбобигача бўлган йўлни босиб ўтган Ю. В. Андропов туғилиб ўсган жой — Ставрополь ўлкасининг Нагутская темир йўл станцияси мотам тутмоқда.

Маҳаллий темирйўлчилар станциядан ўтаётган поездларни мотамона гудоклар билан кузатиб қолар эканлар, ўз шонли юртдошига сўнгги бор ҳурмат бажо келтирмоқдалар.

—Ҳар биримиз учун Ю. В. Андропов ҳамиша Ленин типидаги раҳбар, халқ оммасининг фикри ва ташаббусига таяна оладиган, коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига салмоқли ҳисса қўшган, қалби сезгир инсон намунаси бўлиб абадий сақланиб қолади, — деди Нагутская станциясининг бошлиғи И. Попов мотам митингида. Ставрополликлар номидан митинг қатнашчилари Ватаннинг иқтисодий қудратини янада ўстиришга бутун куч-ғайратлари ва тажрибаларини сарфлаш, ўз сафларини Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслаштириш ҳақида КПСС ленинчи Марказий Комитетига ваъда бердилар.

Новосибирск Академия шаҳарчасидаги митингда сўзга чиққан университет проректори В. Нифонтов олимлар, студентлар, аспирантлар Ю. В. Андроповнинг вафоти тўғрисидаги шум хабарни нақадар чуқур қайғу билан кутиб олганликларини изҳор қилди.

—Ватанимизнинг содиқ фарзанди юраги уришдан тўхтади, —деди олим. — Юрий Владимирович марксизм-ленинизм назарияси проблемаларини ишлаб чиқишга, жамиятимизни янада ривожлантиришнинг программавий вазифаларини белгилашга салмоқли ҳисса қўшди. У совет фанини ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида, унинг ютуқларидан халқ бахт-саодати йўлида ҳар томонлама фойдаланиш ҳақида ғамхўрлик қилиб келди.

Биз сибирлик олимлар ўз сафларимизни жонажон партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирамиз. Бизнинг бурчимиз бутун куч-ғайратни партия қўйган вазифаларга эришишга, фан- техника тараққиётини жадаллаштиришга, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантиришни таъминлашга қаратишдан иборат.

«Уралмаш» заводининг меҳнатчилари мотам митингида фрезерчи Т. Постникова сўзга чиқиб бундай деди:

— Мамлакатнинг барча меҳнат коллективлари мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига сайловга ҳозирлик кўриб, иш суръатларини сабот билан ошираётган, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент оширишга, маҳсулот таннархини топшириққа қўшимча равишда ярим процент камайтиришга бел боғлаган бир пайтда бошимизга катта мусибат тушди. Шу қайғули кунларда минглаб уралмашчилар оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. Биз партия ишига садоқатимизни зарбдор меҳнат билан намойиш қиламиз, Юрий Владимирович Андропов умрининг охирги кунларигача шу ишга фидокорона хизмат қилиб келди. У халқ фаровонлигини оширишга даъват этди —биз шу мақсадга тезроқ эришишга кўмаклашамиз. У давлат, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига жуда қаттиқ риоя этишни талаб қилар эди. Биз янада зўр уюшқоқлик билан ишлаймиз, умумий иш учун ҳар бир кишининг масъулиятини оширамиз.

Митингда сўзга чиққан кишилар индустриал Урал меҳнатчиларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига зарбдор меҳнат билан жавоб беришга чақирдилар.

Кабарда-Болқория шаҳар ва қишлоқлари мотам либосида, Ю. В. Андроповнинг вафоти тўғрисидаги қайғули хабар тоғли ўлка меҳнатчилари қалбини чуқур алам билан чулғади. Баланд тоғ тепасидаги Булунғу аҳолиси каттадан-кичиккача мотам йиғилишига тўпланди, унда қўйчивонлар, механизаторлар, мактаб ўқувчилари ҳозир бўлишди.

—Совет кишилари Юрий Владимировичнинг Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидаги тинимсиз фаолиятини ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар, —деди кекса чўпон А. Тапасхонов. —У ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга, термоядро уруши хавфининг олдини олишга катта ҳисса қўшди.

Йиғилиш қатнашчилари Ю. В. Андроповнинг порлоқ хотирасига ҳурмат бажо этиб, ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қиламиз, иш самарадорлигини оширамиз, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишни қиламиз, деб ваъда бердилар.

Ю. В. Андроповнинг вафоти тўғрисидаги хабар Шимолий Осетия АССР меҳнаткашлари дилига чуқур қайғу солди. 1930 йилда Моздок шаҳрида ўн олти яшар комсомол аъзосининг меҳнат фаолияти бошланган эди, шу ерда у биринчи бор меҳнат жабҳасида чиниқди. Моздок темирйўлчи ветеранлари Юрий Владимировични яхши эслайдилар.

Шимолий Кавказ темир йўлининг Моздок станцияси қизил бурчагида митинг бўлди.

— Содиқ ленинчи, тинчлик иши учун матонатли курашчининг, юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлган қалби дарё инсоннинг юраги уришдан тўхтади, — деди тепловознинг катта машинисти С. Гончаренко. — Юрий Владимирович меҳнаткаш халқ билан жуда яқиндан чамбарчас боғланган эди. Юрий Владимирович социалистик экономикани янада юксалтиришга, Ватаннинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга нақадар салмоқли ҳисса қўшганини яхши биламиз. Мамлакатимиз учун қайғули бўлган шу кунларда КПСС XXVI съездининг, партия Марказий Комитети сўнгги Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасидаги фидокорона меҳнат, сафларимизни КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслаштириш Ю. В. Андроповнинг хотирасини энг яхши тарзда ҳурматлаш бўлишини яхши тушунамиз.

Ю. В. Андропов вафот этганлиги тўғрисидаги хабар барча совет кишилари қатори киевликларни ҳам қаттиқ қайғуга солди.

—Содиқ ленинчининг юраги уришдан тўхтади, — деди В. И. Ленин номидаги «Арсенал» заводининг сайқалчиси А. Донченко. — Юрий Владимирович партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, омманинг ижодий ташаббусини ривожлантиришга нақадар кўп куч-ғайрат сарфлаганлиги бизга маълум. Совет халқи, холис ниятли барча кишилар унинг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, термоядро урушининг олдини олишга қўшган ҳиссасини асло унутмайдилар.

Уральск шаҳридаги К. Е. Ворошилов номли машинасозлик заводининг мажлислар зали мотамона безатилган. Мотам митингида сўзга чиққан завод бош инженери А. Малакеев, электр пайвандчи Б. Давлетов, комсомол комитетининг секретари В. Скалецкий ва бошқалар партия турмушининг ленинча нормалари изчиллик билан қарор топтирилганини, социалистик демократия янада такомиллаштирилганини совет кишилари Ю. В. Андроповнинг номи билан боғлаётганликларини айтдилар. У мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўшди, Ленин ишининг содиқ давомчиси Юрий Владимирович Андроповнинг номи совет кишиларининг ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг дилида мангу яшайди. Унинг ҳаёти —партия билан совет халқига садоқатли хизмат қилишнинг илҳомбахш намунасидир.

«Сухумприбор» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби Ю. В. Андропов хотирасига ҳурмат бажо этиш учун митингга тўпландилар.

— Партия, бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар —тинчлик учун атоқли курашчи Юрий Владимирович Андропов орамиздан кетди. Кейинги вақтларда мамлакатимизнинг иқтисодий ва социал ривожланишда эришган муваффақиятлари унинг номи билан боғланган эди, —деди завод касаба союз комитетининг раиси А. Кортава.

Митингда сўзга чиққан уруш ва меҳнат ветерани, техника контроли бўлимининг контролери. В. Убирия, йиғувчи слесарь Ф. Гогуа ва бошқалар ишчилар синфи Коммунистик партиянинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслашиши ҳақида, кундалик серунум меҳнати билан социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлай бериши тўғрисида гапирдилар.

— Юрий Владимировичнинг бутун кўп қиррали фаолияти битта мақсадга — одамларнинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишга бўйсундирилган эди, — деди мотам митингида Молдавиянинг Вулканешти районидаги «Советский пограничник» колхозининг сут соғувчиси Е. Чобанз. — Биз партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини, олдимизга Юрий Владимирович Андропов қўйган вазифаларни бажариш учун бутун кучимизни сарфлаймиз. Шу тариқа биз унинг порлоқ хотирасини энг яхши тарзда ҳурматлаган бўламиз.

Колхоз меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан ҳамма соҳаларда янада унумлироқ меҳнат қилишга, Ватаннинг иқтисодий қудратига кўпроқ ҳисса қўшишга сўз бердилар.

Ер юзида тинчлик иши учун шу қадар кўп ва тинимсиз меҳнат қилган инсон ҳаётдан кўз юмганлиги кишини жуда ачинтиради, — деди Қирғизистоннинг Сокулук районидаги Ленин номли колхозда бўлиб ўтган мотам митингида сут соғувчи З. Самсалиева. — Уруш йўлларидан ўтган инсон тинчликнинг қадрини яхши билар эди ва еримизнинг осмони доимо беғубор ва тиниқ бўлиши учун ҳамма ишни қилар эди. Биз совет кишилари учун, бутун тараққийпарвар инсоният учун шу қайғули кунларда КПСС Марказий Комитетининг, Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб қувватлашимизни яна изҳор этамиз.

— Халқаро кескинлик кучайган мураккаб пайтда Совет давлатига бошчилик қилган Юрий Владимирович коммунизм идеаллари учун, бутун дунёда тинчлик учун курашда толмас бардамлик намуналарини кўрсатди, — деди Душанбе нонвойчилик бирлашмаси коллективининг мотам митингида цех бошлиғи А. Миршабоев. — Унинг «Правда» газетаси саволларига қайтарган жавоблари Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик ниятларини, Америка империалистларининг ҳарбий устунликка эришиб олишларига йўл қўймасликка аҳд қилганлигини бутун дунёга яна бир бор намойиш қилди.

Митинг қатнашчилари — ишчилар КПСС ленинчи Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслашишга, Ватан қудратини ватанпарварлик ишлари билан мустаҳкамлашга аҳд қилганликларини билдирдилар.

Арманистон меҳнаткашлари Ю. В. Андроповнинг вафоти тўғрисидаги қайғули хабарни барча совет кишилари қатори зўр қайғу-алам билан кутиб олдилар. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, илмий муассасаларда ва ўқув юртларида мотам митинглари бўлиб ўтмоқда.

Ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси — Дзержинский номидаги Ереван станоксозлик заводининг йиғув цехи.

— Коммунистик партия билан совет халқи оғир жудоликка учрадилар, — деди ишчи А. Казарян, — Коммунистик партия билан Совет давлатининг буюк арбоби, одамларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун актив курашчи Ю. В. Андропов оламдан ўтди. Шу оғир кунларда биз совет кишилари ўз сафларимизни жонажон партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ бирлаштирамиз.

Бутун Эстонияда — Сланец ҳавзасининг маркази Кохтла-Ярведа, Тарту университет шаҳрида, Моонзунд архипелаги оролларида мотам митинглари бўлиб ўтмоқда. Митингларнинг қатнашчилари Ю. В. Андропов Ленин партиясининг содиқ фарзанди бўлиб, унинг идеаллари тантанаси учун эҳтирос билан курашганлигини таъкидламоқдалар ва улуғ партия ишига астойдил содиқ эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби — Ю. В. Андроповнинг хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади, — деди Таллиндаги «Ильмарине» машинасозлик заводи коллективининг митингида сўзга чиққан ишчи Я. Саарсе. — Унинг бутун ҳаёти, ҳамма ишлари меҳнат аҳлининг манфаатларига, совет Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга бўйсундирилган эди. Оғир мусибат хусусидаги қайғу-аламимизни сўз билан ифодалаш қийин. Биз унинг коммунистик бунёдкорлик манфаатлари йўлидаги кўрсатмаларини изчиллик билан амалга оширамиз.

(ТАСС).



Москва Ю. В. Андропов билан видолашмоқда. ТАСС—УзТАГ телефотоси.

